# КЎЧМАС МУЛК ОЛДИ - СОТДИ ШАРТНОМАСИ №1

Жиззах шаҳри. 2022 йил 28 январь.

Бундан кейин «Сотувчи», “Jizzax Dori-Darmon” МЧЖ директори М.Қ.Исматов бир томондан ва бундан буён «Сотиб олувчи» деб аталувчи “Jizzax viloyati Zafarobod tuman xokimiyati” хоким ўринбосари Қ.Р.Ризаев, 2021 йил 28 декабр кунги ўтказилган очиқ аукцион натижаси бўйича расмийлаштирилган “Ғолиблик баённомаси” асосида ушбу кўчмас мулк олди-сотди шартномасини имзоладилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи», Зафаробод туман , Зафаробод шахарчаси, Бўстон махалласи,Мустақиллик кўчаси , 2- уй манзилида жойлашган умумий 1081,6 кв.м., ер майдонида жойлашган, қурилиш ости майдони 647,68 кв.м.дан иборат бўлган 12- сон Дорихона биносини “Сотиб олувчига” “Кучмас мулк”ни (“Capital Trust Invest” МЧЖ риэлторлик ташкилоти (Лицензия №RR-0298) томонидан ташкиллаштирилган очиқ аукцион савдолари натижасига асосан 2021 йил 28 декабр куни тузилган №010-сонли аукцион савдоларининг ғолиблик баённомасига асосан) сотди. «Сотиб олувчи» «Мулк»ни муносиб равишда қабул қилади, хақини тўлайди ва ундан мулк сифатида фойдаланади.

1.2. Кўчмас мулк “Сотувчи”га эгалик хуқуқини бевурчи Зафаробод ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси “Зафаробод туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлвт корхонаси” 2015 йил 23 февралда берилган ОY 615850, ТА 1915904-сонли гувохномаларига эга (кадастр рақам – 13:07:08:01:01:0019:0001).

**1.3.** «Сотиб олувчи» «Мулк»нинг қийматини тўла тўлаганидан сўнг, «Сотувчи» билан ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган «Мулк»нинг ҳолати ва мавжудлигини кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисида икки томонлама Топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузади ва ушбу далолатномага асосан уни қабул қилиб олади.

**1.4.** «Сотувчи», «Мулк»нинг бегоналаштирилмаганлигига, гаровга қўйилмаганлигига ва таъқиқда эмаслигига ва учинчи бир шахс фойдасига ўтказилмаганлигига кафолат беради.

**1.5.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 482-моддасига биноан, «Сотиб олувчи»га «Мулк»нинг эгалик ҳуқуқи ўтиши билан биргаликда у жойлашган ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи (агар у мавжуд бўлса) ҳам ихтиёрига ўтади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:**

**2.1.** «Сотиб олувчи» эгалигига топширилаётган «Мулк»нинг мавжудлиги ва ҳолатини кўрикдан ўтказиш ва Топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш.

**2.2.** «Сотиб олувчи» томонидан тўловларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, улар белгиланган муддатда тўланмаганда, тўлов муддати бузилганлиги ҳақида «Сотиб олувчи»ни ёзма равишда огоҳлантириш.

**2.3.** «Мулк» бўйича шартнома имзоланиб, унинг қиймати «Сотувчи»га тўлиқ тушганидан сўнг, 3 (уч) кун муддат мобайнида сотилган «Мулк»ни бўшатиш ва унга тегишли бўлган барча ҳуқуқий хужжатларни, томонларнинг ўзаро келишувларига мувофиқ янги мулк эгасига топширилишини таъминлаш.

**2.4.** Кўрсатилган «Мулк» учинчи бир шахс фойдасига ўтказилмаганлигига, хеч кимга сотилмаганлигига, гаровга қўйилмаганлигига, бировга ўтказилиши таъқиқланмаганлигига, бюджет, бюджетдан ташқари ва коммунал тўловдан қарзлари йўқлигига «Сотувчи» кафолат беради, агар карздорлик юзага келган холда «Сотувчи» карздорликларни тўлашни ўз зиммасига олади.

**«Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:**

**2.5.** Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» Шартномада белгиланган муддатда «Мулк»нинг сотув қийматини тўлаш.

**2.6.** Эгалигига ўтаётган «Мулк»нинг мавжудлиги ва ҳолатини кўрикдан ўтказишда иштирок этиш ва Топшириш-қабул қилиш ҳақидаги далолатномани имзолаш.

**2.7.** Шартнома шартлари бузилган ҳолатда, уни бекор қилиш бўйича «Сотувчи»ни ёзма равишда огоҳлантириш.

**2.8.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ушбу шартномани давлат кадастр хизматидан рўйхатдан ўтказиш.

## III. МУЛК ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

**3.1.** «Мулк»нинг харид нархи 795 100 000 (етти юз тўқсон беш миллион бир юз минг) сўмни ташкил этади.(Қўшилган қиймат солиғи билан)

**3.2.** «Сотиб олувчи» «Мулк»нинг бошлангич бахосидан яъни 125 000 000 (бир юз йигирма беш миллион) сўм микдорида закалат пулини чегириб ташлаган холда, колган 670 100 000 (олти юз етмиш миллион бир юз минг) сўм пул маблағини “Jizzax Dori-Darmon” МЧЖ нинг «Ўз.Миллий банки АЖ Жиззах вилоят филиали” га қуйидаги х/р.: 20 208 000 200 304 477 001 ; МФО 00121; ИНН 200 344 484; ҳисоб рақамига тўлаб беради.

- «Сотиб олувчи» мазкур шартноманинг 3.2.-бандида кўрсатилган мулкнинг тўловларини «Сотувчи»га шартнома тузилган кундан бошлаб 15 банк иш куни ичида тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**3.3.** «Савдо ташкилотчиси» «Сотувчи» билан 2021 йил 09 ноябр кунида имзолаган 07-сонли шартноманинг III- бўлим 3.4. бандига асосан, сотиб олувчи томонидан тўланган яъни 125 000 000 (бир юз йигирма беш миллион) сўм закалат суммасидан, «Савдо ташкилотчиси» кўрсатган хизматлари учун «Мулк»нинг умумий сотув қийматидан 1 % фоиз, яъни 7 951 000 (етти миллион туққиз юз эллик бир минг) сўм миқдордаги пул маблағини чегириб ташлаган ҳолда қолган 117 049 000 (бир юз ўн етти миллион қирк тўққиз минг) сўм микдордаги пул маблағини “Jizzax Dori-Darmon” МЧЖ нинг «Ўз.Миллий банки АЖ Жиззах вилоят филиали” га қуйидаги х/р.: 20 208 000 200 304 477 001 ; МФО 00121; ИНН 200 344 484; ҳисоб рақамига ўтказилади.

## IV.ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

**4.1.** «Мулк»ни топшириш муддатлари кечиктириб юборилган, «Сотувчи» «Сотиб олувчи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси «Мулк» харид бахосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

**4.2.** «Сотиб олувчи» томонидан тўловлар ўз вақтида тўламаганлик учун «Сотувчи»га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тулайди.

**4.3.** Харид қилинаётган «Мулк»нинг тўлиқ қиймати белгиланган муддатларда «Сотиб олувчи» томонидан узрсиз сабабларга кўра тўланмаган тақдирда, ушбу шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши, у «Мулк»ни харид қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши ва «Сотувчи» ушбу объектни ўз ихтиёри билан тасарруф этишга ҳақлидир.

**4.4.** Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган барча баҳслар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда тартибга солинади.

## V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

**5.1.** Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Ушбу шартнома Тарафлар ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

**5.2.** Ушбу шартнома қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

- томонлардан бири ўз мажбуриятларини бажармаганда иккинчи томон тарафидан бир томонлама;
- томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ.

Мазкур шартнома бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлган уч нусхада тузилган бўлиб, уларнинг бир нусхаси «Сотувчи»га, икки нусхаси «Сотиб олувчи»га берилади.

## VI.ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«СОТУВЧИ»:**

«JIZZAX-DORI-DARMON»
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
X/R-2020 8000 2003 0447 7001
TIF Milliy Bank Jizzax filiali MFO-00121
STIR-200 344 484 OKED-46460
Jizzax shahri Sh. Rashidov k. 106

**“Jizzax Dori-Darmon” МЧЖ Директори**
**М.Қ.Исматов**

_______________ (имзо)
**МЎ**

**Юрист:** _______________ **Ғ.Юсупов**

**«СОТИБ ОЛУВЧИ»:**

**“Jizzax viloyati Zafarobod tuman xokimiyati”**
**Манзили:** Зафаробод туман, Зафаробод шахарчаси, Мустақиллик кўчаси 1-уй,
**Х/Р:** 23402000300100001010 Тошкент Марказий банки Зафаробод ғазначилик бўлими
**МФО:**00014, **ИНН:**201122919
**Ш/Р:** 400122860082257011204018001
**ИНН:** 201373084

**Зафаробод туман хоким биринчи ўринбосари**
**Қ.Р.Ризаев**

_______________ (имзо)
**М.У.**

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

**CTI**
**CAPITAL TRUST INVEST**

Общество с ограниченной ответственностью

Карасбрга

**"CAPITAL TRUST INVEST" маъсулияти чекланган жамияти томонидан ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижалари тўғрисида 010- сонли баённомаси**

**Савдо ўтказилган сана:** 2021 йил "28" декабр.
**Савдо ўтказилган жой:** Жиззах вилояти, Жиззах шахар, Шароф Рашидов кўчаси, 106-уй.
**Сотувчи:** "Жиззах Дори-Дармон" маъсулияти чекланган жамияти.
**Савдо ташкилотчиси:** "CAPITAL TRUST INVEST" маъсулияти чекланган жамияти.
**Аукциончи (аукцион савдолари бўйича):** Ш.Г.Абдусатаров.
**Иштирокчилар:**766-рақамли Jizzax viloyati Zafarobod tumani xokimiyati,715-рақамли «SARVINOZ LYUKS TRANS» МЧЖ.
**Савдо предмети:** "Жиззах Дори-Дармон" маъсулияти чекланган жамияти томонидан 09.11.2021 йилда тақдим қилинган №293-сонли буюртманомага асосан жамият тасарруфида бўлган Жиззах вилояти, Зафаробод шахарчаси, Бўстон махалласи, Мустақиллик кўчаси, 2-уй манзилида умумий 1081,6 кв.м., ер майдонида жойлашган, қурилиш ости майдони 647,68 кв.м.дан иборат бўлган "12-сонли Дорихона" бино ва иншооти.

| | |
|---|---|
| **Ғолиб харидор:** | **766-рақамли Jizzax viloyati Zafarobod tumani xokimiyati.** |
| **Манзили:** | Jizzax viloyati, Zafarobod tumani, Zafarobod shaharchasi Mustaqillik ko'chasi, 1-uy. |
| **Маълумотлари:** | H/r: 23402000300100001010 Toshkent Markaziy banki Zafarobod g'aznachilik bo'limi. МФО: 00014. ИНН: 201122919. Sh/r:400 122 860 082 257 011 201 018 001. ИНН:201 373 084. |
| **Ғолиб харидор вакили:** | Xokim o'rinbosari Q.k.Rizayev. |
| **Савдога қўйилган мулкнинг бошланғич баҳоси :** | 750 078 099 (етти юз эллик миллион етмиш саккиз минг тўқсон тўққиз) сўм. |
| **Савдога қўйилган мулкнинг сотилган баҳоси** | 795 100 000 (етти юз тўқсон беш миллион юз минг) сўм. |
| **Тўлов шакли:** | Пул ўтказиш йўли билан. |

**Харидорнинг мажбуриятлари:**

- тўланган закалат пули миқдори савдо натижаси тўғрисидаги баённомада қайд этилган объектнинг харид нархининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлган тақдирда, олди-сотди шартномаси имзолангунга қадар сотувчининг ҳисоб-рақамига мазкур фарқ суммасини тўлаш;
- амалдаги Қонун хужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 386-моддасида белгиланган тартибда 10 кундан кечикмасдан сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш;
- олди-сотди шартномаси шартларига мувофиқ сотиб олинган мулкнинг қийматини тўлаш ҳамда мулкни белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосан қабул қилиб олиш.

Мазкур баённома бир хил юридик кучга эга бўлган тўрт нусхада тузилди. Унинг икки нусхаси Ғолиб харидорга, бир нусхаси Сотувчига, бир нусхаси Савдо ташкилотчисига берилади.

**Асос:** 2021 йил 28 декабрдаги ўтказилган №010-сонли очиқ аукцион савдосини ўтказиш якунлари бўйича комиссия йиғилишининг баённомаси қарори.

**"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ директори**
**Комиссия аъзоси:**
М.Ў.
К.З.Зокиров ____________
(ф.и.ш) (имзо)

**"Жиззах Дори-Дармон" маъсулияти чекланган жамияти вакили:**
**Комиссия раиси:**
А.Т.Мамарахимов ____________
(ф.и.ш) (имзо)
Комиссия аъзоси:
М.А.Сафаров ____________
(имзо)
Ғ.Равшанов ____________
(ф.и.ш) (имзо)

Аукциончи: ____________
(имзо)

____________
(имзо)

"DAVLAT BELGISI" DICHB TBF, 2018

# XALQ DEPUTATLARI ZAFAROBOD TUMAN KENGASHI
# QARORI

2022 - yil 20 - yanvar VI-40-3-3-50-K/22 Zafarobod tuman hokimligi

**Туман ҳокимлигига 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-, "Бюджет кодекси"нинг 126-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман ҳокимлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 02-234-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (З.Луқмонов)га туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан очиқ аукцион савдосида ютиб олинган мулк учун "Жиззах дори-дармон" МЧЖга тўлаб бериш мақсадида 670 100 000 (Олти юз етмиш миллион бир юз минг) сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Б.Мамарасулов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (З.Луқмонов) ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг "Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича" доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Ризаев зиммаларига юклатилсин.